

423 - وَعَنْ أَيِّ ذَرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يَقُولُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ: مَنْ جَاءَ بِالْحَسَنَةِ، فَلَهُ عَشْرُ أَمْثَالِهَا أَوْ أَزِيدُ، وَمَنْ جَاءَ بِالسَّيِّئَةِ، فَجَرَأَهُ سَيِّئَةٌ مِثْلُهَا أَوْ أَعْفُرُ، وَمَنْ تَقَرَّبَ مِنِّي شَيْءًا، تَقَرَّبَتْ مِنْهُ ذِرَاعًا، وَمَنْ تَقَرَّبَ مِنِّي ذِرَاعًا، تَقَرَّبَتْ مِنْهُ بَاعًا، وَمَنْ أَتَانِي يَمْشِي أَتَيْتُهُ هَرْوَلَةً، وَمَنْ لَقِينِي بِقِرَابِ الْأَرْضِ حَطِيَّةً لَا يُشْرِكُ بِي شَيْئًا، لَقِيَتُهُ مِثْلُهَا مَعْفَرَةً» رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2687].

معنى الحديث: «من تقربَ إلَيَّ بِطَاعَتِي» تقرَّبتُ إلَيْهِ بِرْحَمَتِي، وإنْ زَادَ زِدْتُ، «فَإِنْ أَتَانِي يَمْشِي» وأَسْرَعَ في طَاعَتِي «أَتَيْتُهُ هَرْوَلَةً» أي: صَبَبْتُ عَلَيْهِ الرَّحْمَةَ، وَسَبَقْتُهُ إِلَيْهَا، وَمَأْخُوذُهُ إِلَى الْمَسْنِي الْكَثِيرِ في الْوُصُولِ إِلَى الْمَقْصُودِ. و«قِرَابُ الْأَرْضِ» يضم الفَافِ وَيُقَالُ بِكَسْرِهَا، وَالضَّمُّ أَصَحُّ، وَأَشَهُرُ، وَمَعْنَاهُ: مَا يُقَارِبُ مِلَأَهَا، وَاللَّهُ أَعْلَمُ.

423. Абу Зарр розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам шундай дедилар: «Аллоҳ азза ва жалла айтади: «Ким бир яхшилик қилса, унга шунинг ўн мислича (ажр) берилади ва ундан ҳам кўпайтираман. Ким бир ёмонлик қилса, унинг жазоси ўшанинг мислича бўлади ёки кечириб юбораман. Ким Менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир зироъ яқинлашаман. Ким Менга бир зироъ яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашаман. Ким Менга юриб келса, Мен унга югуриб бораман. Ким Менга Ери тўлдирган гуноҳ билан йўлиқса, лекин Менга ҳеч нарсани шерик қилмаган бўлса, Мен унга шунинг мислича мағфират билан пешвоз чиқаман».

*Имом Муслим ривояти.*

Бу ҳадиснинг маъноси қўйидагичадир: «Ким Мен томонга тоат билан яқинлашса, раҳматим билан унга яқинлашаман. У тоат-ибодатини зиёда қилса, Мен ҳам унга раҳматимни зиёда қиласман. Агар Менга юриб келса ва ибодатимга шошса, Мен унга югуриб бораман. Яъни, унга раҳматимни ёғдираман ва ундан ўзиб кетаман. Мақсадга етиш йўлида кўп юришга муҳтож қилмайман» Валлоҳу аълам!

**Шарҳ:** Бир яхшиликка ўн баробар савоб Исломдаги умумий қоидадир.

Ушбу ҳадиси кудсий Аллоҳ таолонинг бандаларга нисбатан лутфу марҳамати ва илтифотининг намойишидир. Ҳадиси шарифдаги яқинлашиш ва ҳаракатланиш маънолари мажозий бўлиб, масофани эмас, маънавий муносабатни, маънан яқин бўлишни билдиради.

Одамларга қилинадиган яхшиликнинг фазилатлари ҳақида Пайғамбаримиз Мұҳаммад алайҳиссаломдан кўплаб ҳадислар ривоят қилинган.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қудсий ҳадисда бундай деганлар: Албатта, Аллоҳ таоло яхши ва ёмон амалларни ҳам ёзиб, уни қўйидагича баён этди: **«Ким бир яхшилик қилишга аҳд этсаю, аммо амалга ошира олмаса, Аллоҳ таоло унинг учун Ўз ҳузурида комил яхшилик қилди, деб ёзиб қўяди. Агар яхшилик қилишга қарор бериб, уни амалга оширса, унга Аллоҳ таоло Ўз ҳузурида ўн савобдан етти юз савобгача, ҳатто бундан бир неча баробар кўп савоб беради. Агар бирор ёмонлик қилишни ўйласаю, уни амалга оширмаса, Аллоҳ таоло унга бир яхшилик савобини беради. Ёмонлик қилишга қарор берсаю уни амалга оширса, Аллоҳ таоло унга битта ёмонлик ёзади»** (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



